

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyga - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент

**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

**Уйғун ҒАФУРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

**Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор

**Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, профессор

**Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

**Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCISA Бош директори

**Назир Муҳаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби

**Режеп ТУЗЖУ (Reser Tuzcu)** – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори

**Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCISA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

**Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni)** – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра муdiri

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари  
бўйича қўмитасининг 2024 йил 24 июлдаги  
03-07/4457-сонли хулосаси асосида тайёрланди.



**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО  
ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ МАРКАЗИ**

**Бош муҳаррир:**

**Жамолиддин Каримов,**  
*Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

**Муҳаррир ўринбосари:**

**Зафар Фахриддинов,**  
*Исломишунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори*

**Саҳифаловчи:**

**Зарифжон Арслонов**

**Дизайнер:**

**Зарифжон Ғуломов**

«Мотуридийлик» журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация  
комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги  
310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий  
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабрда Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги томонидан  
№1139 рақами билан рўйхатга олинган.

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,  
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

**E-mail:** maturidijournal.uz

**Web-sahifa:** info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,  
(+99871) 244-35-47

## МУНДАРИЖА

### **Jamoliddin Karimov.**

Сўнгги йилларда Имом Мотуридий меросининг юртимизда ўрганилиши: эришилган натижалар ва истикболдаги режалар ..... 4

## ИСЛОМШУНОСЛИК

### **Soatmurod Primov.**

Мовароуннахрлик илк мутакаллимлар фаолияти ..... 11

### **Doston Mustafayev.**

XIV–XV асрларда Мовароуннахрда ёзилган Қуръон илмларига оид асарлар таҳлили ..... 20

### **Sunnatulla Abdullayev.**

Усул ал-фикҳ илмида Рукнуддин Убайдуллох илмий меросининг аҳамияти ..... 30

## ИСЛОМ ҲУҚУҚИ

### **Bekzodbek Mukhtarov.**

XI–XII асрлар Мовароуннахр ханафий фикҳига оид асарлар таҳлили ..... 38

### **Muhammadnur Murodkhonov, Nigora Yusupova.**

Islom huquqi tizimida inson huquqlari ..... 46

### **Mokhira Jumaniyazova.**

Oilada xotin-qizlar va bolalarga qarshi zo‘ravonlikni oldini olishda islom ta’limotining ahamiyati ..... 53

### **Najmiddin Hafizov.**

Abu Hafs Nasafiyning fiqhga oid asarlari ..... 61

## ДИНШУНОСЛИК

### **Dilafruz Turdiyeva.**

Malayziyada diniy-dunyoviy muvozanatni saqlashda davlatning o‘rni ..... 70

## ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИК

### **Oybek Sotvoldiyev.**

Ибн Саъднинг «ат-Табакот ал-кубро» асарида аёллар биографиясининг ёритилиши ..... 78

### **Abdurashid Askarov.**

Balog‘at ilmining rivojlanishida Sa‘duddin Taftazoniy asarlarining o‘rni ..... 84

### **Ahmadkhon Rashidov.**

«Шотибия» асарига ёзилган араб тилидаги шарҳлар ..... 94

### **Begzod Bakirov.**

«Navobig‘ al-kalim» asari balog‘atiga xizmat qilgan leksik vositalar va unda qo‘llangan tajnis (jinos) san‘ati ..... 104

**Doston Sh. MUSTAFAYEV,**  
*Doctor of Philosophy (PhD),  
Senior researcher at the Imam Maturidi  
International Scientific Research Center:  
A. Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: mcdos@inbox.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/3

**XIV–XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДА  
ЎЗИЛГАН ҚУРЪОН ИЛМЛАРИГА ОИД  
АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ**

**ANALYSIS OF THE WORKS ON THE  
QUR'ANIC SCIENCES WRITTEN IN  
MAWARANNAHR IN THE XIV-XV  
CENTURIES**

**АНАЛИЗ ПОСВЯЩЕННЫХ  
КОРАНИЧЕСКИМ НАУКАМ  
ТРУДОВ, НАПИСАННЫХ В  
МАВЕРАННАХРЕ В XIV–XV ВВ.**

**КИРИШ**

Қуръони каримга мусулмон уламлари томонидан доимо юксак эътибор бериб келинган. Саҳобийлар давридан ҳозирги кунга қадар ушбу муқаддас китоб қамраган илмларга доир бир қанча асарлар таълиф этилган. Нафақат мусулмонлар, балки мусулмон бўлмаган халқлар ҳам Қуръони каримни эътибор билан ўрганганлар. Жаҳон тарихида сезиларли из қолдирган Темурийлар сулоласи (771/1370–913/1507 йй.) Мовароуннаҳр диёрида илм-фан ва маданият тараққиётида салмоқли ишларни амалга оширди. Бу даврда Мовароуннаҳр Ўрта асрлар Шарқ тамаддунининг марказларидан бири эди. Ҳирот шаҳри мамлакатнинг шеърий, тасвирий санъат ва адабиёт ривожланган маркази ҳисобланса, Самарқанд шаҳри шариат илмлари, тилшунослик, мантик, математика ва астрономия фанлари марказига айланди.

Темурийлар даврида Қуръон илмларининг муҳим соҳаси ҳисобланган тафсир илмига катта эътибор қаратилди. Қуръон илмлари доирасидаги асарларнинг аксар қисми мазкур илм соҳасида тасниф этилди.

Темурийлар давлати ташкил топгунига қадар Мовароуннаҳрда Муҳаммад ибн Усмон Улёбодий Самарқандий (ваф. 628/1231 й.да ҳаёт бўлган), Ҳамидиддин Зарир Бухорий (ваф. 666/1268

й.), Абул Фазоил Бухорий (ваф. 687/1289 й.), Муҳаммад ибн Ашраф Самарқандий (ваф. тах. 690/1291 й.), Убайдуллоҳ Садруш-шариа (ваф. 747/1346 й.), Аҳмад ибн Муҳаммад Хўжандий (тав. 719/1319 й.), Жамолиддин Абдураззоқ Кошоний Самарқандий (ваф. 730/1330 й.) каби олимлар тафсирга оид асарлар таълиф этганлар<sup>1</sup>.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

XIV-XV асрлар Мовароуннаҳр ҳудудида XII-XIII асрларда ўзилган Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Кашшоф», Абул Баракот Насафийнинг «Мадорик ат-танзил», Қози Байзовийнинг «Анвор ат-танзил» каби машҳур тафсир асарларига шарҳ ва ҳошиялар ёзиш, тўлиқ тафсирлардан кўра маълум суралар тафсирига бағишланган асарлар ёзиш анъанага айланди. Шу билан бирга, қироат ва расми мусҳаф илмларининг кенг миқёсда ўрганилиши ҳам бу даврда Қуръон илмларининг ривожланиш хусусиятларини кўрсатиб беради.

Темурийлар даврида қироат илмида моҳир бўлган ва бу соҳада асар ёзган кам сонли олимлардан бири Шамсуддин Муҳаммад Самарқандий ҳисобланади. Библиографик манбаларда олимнинг Қуръон ўқиш маҳоратига оид «Саное фи расм ал-мусҳаф» («Мусҳаф расмида маҳорат»), етти қироат ҳақидаги «ал-Қироат ас-сабъ» («Етти қироат»), турли юртларда тарқалган мусҳафлар расмидаги ўзига хосликларга бағишланган «Кашф ал-асрор фи расм масоҳиф ал-амсор» («Турли юртлардаги мусҳафларнинг ёзилиш услубидаги сирларни кашф этиш»), тажвид илмига оид «ат-Тажрид фи ат-тажвид» («Тажвид илмига оида Тажрид китоби»), «ал-Мабсут фи ал-қироа ас-сабъ» («Етти қироат ҳақида батафсил китоб»), «ал-Иқд ал-фарид фи назм ат-Тажрид» («Тажрид назми борасида ягона маржон»), «Изоҳ ал-хаволиф фи расми масоҳиф ас-саволиф» («Салафлар мусҳафлари расмидаги турлиликнинг изоҳи»)

<sup>1</sup> Библиографик манбаларда Муҳаммад ибн Усмон Улёбодий Самарқандий «Матлаъ ал-маоний ва манба ал-мабоний фи тафсир ал-Қуръон» номли, Абул Фазоил Бухорий «Талхис ат-тафсир ал-кабир» номли, Муҳаммад ибн Ашраф Самарқандий «ас-Саҳоиф фи ат-тафсир» номли, Убайдуллоҳ Садруш-шариа форс тилида «Таъвил қисмати Юсуф» номли, Абдураззоқ Кошоний «Таъвилот ал-Қуръон» номли асар ёзгани зикр этилган.

**Аннотация.** Мақолада XII–XIII асрларда ёзилган «ал-Кашишоф», «Мадорик ат-танзил», «Анвор ат-танзил» каби машхур тафсирларга шарҳ ва ҳошиялар ёзиши, тўлиқ тафсирлардан кўра маълум суралар тафсирига бағишланган асарлар ёзиши Темурийлар даврида анъанага айлангани, Қуръон илмларининг қироат, тажвид, расм ал-мусхаф йўналишлари нисбатан жадал ривожлангани очиб берилган.

Темурийлар давлатида илмий фаолият олиб борган Шамсиддин Самарқандийнинг қироат ва расми Мусхаф илмларига оид, Муҳаммад Жазарийнинг тажвид илмига оид, Яъқуб Чархий, Саъдуддин Тафтазоний, Саййид Шариф Журжоний, Алоуддин Али Самарқандий, Хожя Муҳаммад парсо, Абдуррахмон Жомийлар, Али Қушчининг тафсирга оид асарлари таҳлил этилган. Шунингдек, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек каби адиб ва астроном олимларнинг ўз асарларида Қуръон оятларига мурожаат қилиши услублари ёритилган.

Шу билан бирга, Темурийлар даврида турли ҳажмдаги мусхафларни кўчириши ишлари жадаллашгани, янги хат турларининг ихтиро этилишига доир маълумотлар келтирилган.

Хулоса қисмида XIV–XV асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган тафсирларда асосан тил қоидалари ва балоғат илмларига оид мавзулар устувор бўлгани, бу даврда ёзилган аксар тафсирлар тафсир бир-раъй йўналишида ёзилгани таъкидланган.

**Калим сўзлар:** Қуръон илмлари, тафсир, қироат, тажвид, балоғат, Темурийлар, расм ал-мусхаф.

**Abstract.** In the article, it was revealed that, in the era of Timurids, it became a tradition to write commentaries and super commentaries on famous tafsirs such as «al-Kashshaf», «Madarik at-tanzil», «Anwar at-tanzil» which were written in XII–XIII centuries, writing works dedicated to the tafsir of certain surahs rather than full tafsirs, among Qur'anic sciences recitation, tajwid, rasmi mushaf directions developed relatively rapidly.

The works of Shamsuddin Samarkandi related to Mushaf sciences, Muhammad Jazari's books on tajwid science, and the works of Yakub Charkhi, Sa'duddin Taftazani, Sayyid Sharif Jurjani, Alauddin Ali Samarkandi, Khoja Muhammad Parsa, Abdurrahman Jami, Ali Qushchi on tafsir were analyzed. Also, the methods of referring to the Qur'anic verses of writers and astronomers such as Alisher Navoi, Mirzo Ulughbeg were highlighted.

At the same time, there is information about the speeding up of copying of different sizes of manuscripts, and the invention of new types of letters during the period of the Timurids.

In the conclusion, it is noted that, in the interpretations written in Mawarannahr in the XIV–XV centuries, the topics related to language rules and rhetoric science were the priority, and most of the interpretations written in this period were written in the direction of tafsir bil-ra'y.

**Keywords:** Qur'anic sciences, tafsir, recitation, tajwid, balagha, Timurids, rasmi al-mushaf.

**Аннотация.** В статье раскрывается, что сочинение комментариев и заметок на полях к таким известным тафсирам (толкованиям Куръана), как «аль-Кашишаф», «Мадарик ат-танзил» и «Анвар ат-танзил», написанным в XII–XIII вв., также как и создание произведений, посвященных к комментарию определенных сур, вместо написания полноценных тафсиров, стало традицией в эпоху Тимуридов, и что такие направления Коранических наук, как «кыраат» (декламация), «таджвид» (фонетика и орфоэпия) и «расм аль-мусхаф» (правописания Корана) развивались относительно активно.

В статье представлен анализ трудов Шамсиддина Самарканди по «кыраату» и «расм аль-мусхаф», а также, Мухаммада Джазари по «таджвиду», Яъкуба Чархи, Саъдуддина Тафтазани, Саййида Шарифа Джурджани, Алауддина Али Самарканди, Хаджи Мухаммада Парса, Абдуррахмана Джамии и Али Кушчи по «тафсиру», которые занимались научной деятельностью в государстве Тимуридов. Кроме того, описываются методы, с помощью которых литераторы и ученые астрономы, такие как Алишер Навои и Мирзо Улугбек в своих произведениях обращались к аятам Корана.

Вместе с тем, представлена информация о том, что в эпоху Тимуридов интенсифицировалось копирование мусхафов различных размеров и были изобретены новые стили письма.

В заключение подчеркивается, что в тафсирах, написанных в XIV–XV вв. в Мавераннахре, главным образом доминировали темы, связанные с языковыми (лингвистическими) правилами и риторикой, и что большинство тафсиров, созданных в этот период, были написаны методом «ат-тафсир би-р-рай» (толкование, основанное на доводах разума).

**Ключевые слова:** Коранические науки, тафсир, декламация, таджвид, илм ал-балага, Темуриды, расм аль-мусхаф.



ва Фотиҳа сурасидаги тажвид қоидаларига бағишланган «ал-Қасида ал-Фоиҳа фи тажвид ал-Фотиҳа» («Фотиҳа сураси тажвиди борасида ёқимли қасида») каби асарлар ёзгани зикр этилади<sup>2</sup>.

Шамсиддин Самарқандий Амир Темур даврида яшаб ижод қилган бўлиб, саркарда олимнинг бир қанча асарларини ўқиб чиққан. Жумладан, Амир Темур унинг «Саное» китоби ҳақида: «Аллома ушбу китобда Мусҳафни ўқишда зарур бўлган қоидаларни ўз хати билан ёзган. Уларнинг сони бир неча мингга етади. Китоб кироатга оид муҳим фойдаларни ўзида жамлаган» (Зириклий, 2002:87), – деган. Муаллифнинг китоб муқаддимасидаги қуйидаги сўзлари Темурнинг эътирофини тасдиқлайди: «Мен йигитлик чоғимда Бухорода – Аллоҳ тақводор уламолар билан тўлган ушбу юртни қиёматгача офатлардан сақласин – ёзилган мусҳафни кўрдим. Унда тўрт юз ўттиз беш (ёзув) санъати бор эди. Баъзилари сатрларнинг аввалида, баъзилари эса охирида. Булар менга ёқди. Аммо, улар ўзаро мувозанат асосида тузилмаган эди... Мен бу услубдан завқландим ҳамда саҳифалар мутаносиблиги, сатрлар тартиби ва мувофиқлигини таъминлайдиган латиф санъатлар ва ғаройиб ажибликлар ишлаб чиқдим. Бу санъатларга кўра, бир неча мусҳаф кўчирдим. Ҳар бир мусҳафда мингга яқин латиф санъат ва қоидаларни татбиқ қилдим» (Шамсиддин Самарқандий:264).

Асли дамашқлик, машхур қироат ва ҳадис олими Муҳаммад ибн Жазарий Амир Темур ва Йилдирим Боязид (791/1389–805/1402 йй.) кўшини ўртасида 1402 йилда бўлиб ўтган Анқара жангида мовароуннаҳрликлар қўлига асир тушади. Олимнинг илмдаги даражасини эшитган Темур уни ўзи билан олиб кетиб, таълим бериш учун Кеш шаҳридаги мадрасага жойлаштиради. Бу ерда олим Қуръон ва ҳадис илмларидан таълим бера бошлайди. Олимдан Абдулқодир ибн Тилла Румий, Ҳофиз Боязид Кеший, Кеш вилояти қироат шайхининг ўғли Ҳофиз Маҳмуд, Муҳаммад ибн Шихоб Хофий Ҳанафий, Муҳаммад ибн Фазлуллоҳ Хатибий каби маҳаллий олимлар илм олиб, унга шогирд тушадилар. Муҳаммад Жазарий Мовароуннаҳрда қорилар тарихига оид «Ғоя ал-маҳара фи аз-зиёда ала-л-ашара», қироат илмига оид «Таййиба ан-нашр фи қироа ал-ашр», наҳвга оид «ал-Жавҳара», ҳозирга қадар

<sup>2</sup> Қаранг: Самарқандлик алломалар / Ш.Зиёдов, Қ.Маҳмудов. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти, 2019. – Б. 149–152.

тажвид илмининг асоси бўлиб хизмат қилиб келаётган «ал-Муқаддима фи ма яжибу ала қори ал-Қуръон ан яламаҳ» («Қуръон ўқувчи билиши зарур бўлган қоидаларга доир муқаддима») каби асарларини таълиф этди.

Жазарий «ал-Муқаддима» асарини назмий услубда ёзган бўлиб, асарда унинг Мовароуннаҳр ҳудудида ёзилганига далолат қилувчи ишоралар мавжуд. Жумладан, олим товушлар талаффузи ҳақидаги байтда:

وَرَقَّتْ مُسْتَفِيلاً مِنْ أَحْرَفٍ  
وَحَادِرٌ تَفْخِيمَ لَفْظِ الْأَلْفِ

(Муҳаммад ибн Жазарий, 2011:110)

Мустафил ҳарфларни ингичка қилгин,  
Алифни йўғон айтишдан ҳазир бўлгин.

Тажвид илмида нутқ товушлари талаффуз қилинишига кўра, икки турга бўлинади: мустафил – ингичка талаффуз қилинадиган ва мустаълий – йўғон талаффуз этиладиган. Имом Жазарий мазкур байтда мустафил ҳарфларни ингичка ўқиш ва улардан сўнг келган алифни йўғон айтмаслик лозимлигини баён қилмоқда. Мазкур хато араблар орасида учрамайдиган ҳолат бўлганидан, айримлар Имом Жазарийнинг бу байтдан мақсадини тушунмаганлар. Аммо Закариё Ансорий (ваф. 926/1520 й.) каби олимлар ушбу хато ўша вақтда Имом Жазарий яшаб турган юрт одамлари тил хусусиятларига хос экани, шу сабабли муаллиф уни асарда зикр қилганини таъкидлаган. Дарҳақиқат, ҳозирга қадар туркий халқларнинг чўзиқ «а» товушини «о» шаклида талаффуз қилиш ҳолати учраб туради (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2019:85-86). Имом Жазарийнинг Мовароуннаҳрдаги фаолияти бу юртда қироат илмининг ёйилиши ва ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мутақаддим уламоларнинг сўнггиси Саъдуддин Тафтазонийнинг «Ҳошия ала-л-Кашшоф» асари Замахшарийнинг «ал-Кашшоф» тафсиридан Қуръоннинг дастлабки ўн сураси ва Сод сурасидан Фатҳ сурасигача бўлган қисми учун ёзилган ҳошия бўлиб, араб тилида ёзилган. Мазкур ҳошияда ҳам «ал-Кашшоф»нинг услубига кўра, балоғат илми нуқтаи назаридан ёндашилган. Бундан ташқари, Тафтазоний айрим ақидавий ва фикхий масалалар, қироат турлари ва сўзларнинг маъноларига оид маълумотларни келтириб ўтган. Оятларнинг грамматик таҳлили амалга ошириб, айрим ўринларда тил қоидаларининг қайси мактабга тегишли эканини ҳам зикр этади. Баъзи ўринларда далил сифатида араб шеъриятдан намуналар келтиради.

Шунингдек, Тафтазоний Замахшарий келтирган айрим маълумотларни далиллар асосида тўғрилаб кетади. Масалан, Бақара сура-сидаги сугир воқеасида Замахшарий қотил ўлдирилган кишининг акасининг фарзанди бўлганини ёзса, Тафтазоний: «Тўғрироғи, бошқа тафсир китобларида зикр қилинганидек, қотил унинг амакисининг фарзанди бўлган», дейди. Яна, муаллиф Замахшарийнинг фосиқ ҳақидаги таърифи хошиясида мўътазилийларнинг катта гуноҳ қилган инсоннинг المنزلة بين المنزلتين [ал-манзила байна ал-манзилатайн] – «икки манзил ўртасидаги манзил»да бўлиши ҳақидаги ақидаси, Восил ибн Атонинг қарашлари, Амр ибн Убайднинг Ҳасан Басрий мажлисидан ажралиб, мўтазилий тоифасининг юзага келиш тарихини зикр этади (Саъдуддин Тафтазоний, йили кўрсатилмаган:336). Умуман олганда, Тафтазонийнинг хошияси «ал-Кашшоф»нинг мазмунини янада ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилган, Темурийлар даврида ёзилган тафсирларнинг ўзига хос намунаси ҳисобланади.

1387–1405 йиллар давомида Самарқандда яшаб, илмий фаолият олиб борган Саййид Шариф Журжонийнинг «Ҳошия ала-л-Кашшоф», «Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий», «Тафсир аз-заҳровайн», «Таржумон ал-Қуръон» (ат-Таржумон фи-т-тафсир), «Рисола фи қавлиҳи таоло «Санурийҳим оётино фил-офоқи ва фи анфусихим»» ва «ат-Таърифот» каби асарлари Қуръон илмларига бағишланган бўлиб, ушбу асарлар ҳақида ҳанафий мазҳаби олимлари ҳамда муфассирлар ҳаёти ва илмий меросига оид табақот асарларида зикр этилади. Хусусан, Ҳожи Халифа «Кашф аз-зунун» асарида Саййид Шариф Журжонийнинг «Таржумон ал-Қуръон» асари ҳақида: «Аллома бу китоб ҳақида «Ҳошия ала-л-Кашшоф»да зикр қилган», дейди. Шунингдек, «Кашф аз-зунун»да «Рисола фи қавлиҳи таоло «Санурийҳим оётино фил-офоқи ва фи анфусихим»» номли рисола Саййид Шариф Журжоний қаламига мансуб экани ҳақида тўхталиб ўтади. Журжонийнинг «Тафсир аз-заҳровайн» номли асари Бақара ва Оли Имрон суралари тафсирига бағишланган асар бўлиб, Ҳожи Халифа у ҳақда китобининг икки ўрнида тўхталади. Бир ўринда асарни «Тафсири Саййид Шариф» шаклида зикр қилади, бошқа бир ўринда «Тафсир аз-заҳровайн» шаклида келтиради.

Мазкур асарлардан Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Кашшоф» асарига хошия сифатида битилган «Ҳошия ала-л-Кашшоф» ҳамда

Қуръони каримдаги сўз ва ибораларнинг форсча таржимасига бағишланган «Таржумон ал-Қуръон» асарларининг қўл ёзма нусхалари ҳозирга қадар сақланиб қолган. Журжонийнинг мазкур асарларида Қуръон сўзларининг форс тилидаги маънолари, Қуръон илмларига оид истилоҳларнинг таърифлари, шу билан бирга, «ал-Кашшоф» тафсирида зикр этилган ақидавий, фикҳий, кироат илми ва араб тили балоғатига оид мавзуларни таҳлил қилган.

Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намояндаси, аллома Яъқуб Чархийнинг сермаҳсул ижод намуналари ҳам Темурийлар даври илмий муҳити маҳсули ҳисобланади. У тасаввуф билан бир қаторда фикҳ, Қуръон тафсири ва бошқа мавзуларга оид форс тилида ўндан зиёд асар ёзган. Унинг «Тафсири Чархий» асари форс тилида ёзилган бўлиб, Мовароуннаҳр диёрида ўзига хос эътибор қозонган тафсирлардан ҳисобланади (Усмонов И., Саидова Г., 2010:6-8). Тафсир Фотиҳа сураси ва Қуръони каримнинг охириги икки жузи тафсирига бағишланган. Умумий ҳисобда 49 суранинг тафсири баён этилган.

Тафсирда ақида, фикҳ, тасаввуф, луғат илмларига оид баҳслар юритилган. Тадқиқотчи И.Усмонов асарнинг ақидавий тутуми ҳақида шундай дейди: «Баҳоуддин Нақшбанднинг яна бир халифаси Яъқуб Чархийнинг нақшбандийлар орасида энг кўп тарқалган, асрлар давомида қайта-қайта нашр этилган «Тафсири Чархий» асарида ҳам мотуридий ва унинг таълимоти асосида ақидавий масалалар муҳокама қилинган. Тафсири Чархийда Имом Мотуридийни «Ҳазрати раиси миллат», «аҳли сунна ва жамоанинг пешвоси» деб келтирилиб, Инфитор, Шамс суралари тафсирида ундан иқтибослар келтиради» (Усмонов И. 2021:26). Чархий тафсирда ўттизга яқин ўринда «ал-Кашшоф»дан нақллар келтирган бўлиб, ўз ўрнида мўтазилийлик эътиқодига аҳли сунна ва жамоа эътиқоди нуқтаи назаридан раддиялар берган.

Яъқуб Чархий баъзи фикҳий масалалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Фотиҳа сураси тафсири охирида бундай дейди: «Қуфаликлар ривоятига кўра, «омин» Қуръондан эмас, шунинг учун ҳам мусҳафларда ёзилмайди» (Усмонов И., Саидова Г., 2021:19). Шунингдек, тафсирда айрим оятлар грамматик жиҳатдан шарҳланган, пайғамбарлар кассалари ва шеърлар ҳам зикр этиб ўтилган, шарҳланаётган сура ва оятларнинг нозил бўлиш сабаблари ёритилган, шарҳланаётган

оят бир неча қироатга кўра ўқилган бўлса, улар ҳам зикр этилган, суралар тафсири якунида ўша сураларнинг фазилатларига оид ривоятлар келтирилган, оят мазмунини ёритишга хизмат қилувчи ҳадислар кўплаб нақл қилинган, шу билан бирга, айрим исроилиётларни ҳам учратиш мумкин. Умуман олганда «Тафсири Чархий» асарини тафсир анъаналарини ўзида тўла акс эттирган Темурийлар даврига оид мукамал манба сифатида баҳолаш мумкин.

Яна бир мовароуннаҳрлик муфассир, фақиҳ, мантиқ олими Алоуддин Али ибн Яҳё Самарқандий Ҳанафий (ваф. 861/1457 й.дан кейин)<sup>3</sup> машҳур фақиҳ Алоуддин Бухорийнинг шогирди бўлган. Ёшлигидан Самарқандда таҳсил олиб, кейинчалик тасаввуф йўлини тутган. Сўнг Рум юртига сафар қилиб, Ларанда<sup>4</sup> шаҳрида кўним топган ва шу ерда вафот этган. Олим тўрт жилддан иборат тафсир ёзган бўлиб, асар Мужодала сураси тафсири билан якунланган. Ҳожи Ҳалифа ушбу тафсир номини «Баҳр ал-улум фи ат-тафсир» деб келтириб, асар ҳақида шундай деган: «У юксак кадр ва шаънга эга китоб бўлиб, тафсир китобларидан саралаб олинган. Муаллиф унга фасоҳатли иборалар ва сара лафзлар билан ғаройиб фойдалар, ажиб баҳсларни кўшимча қилган. Тўрт йирик жилддан иборат бўлиб, Қуръони азим аввалидан Мужодала сурасигача давом этган» (Аҳмад Амир Муҳаммад Жохин Исмоил, 2013:4752). Айрим адабиётларда «Баҳр ал-улум» («Илмлар денгизи») номли тафсир Абу Лайс Самарқандий (ваф. 375/985 й.)га нисбат берилган. Аммо Ҳожи Ҳалифа «Кашф аз-зунун» асарида, Зириклий «ал-Аълум» («Машҳурлар») асарида «Баҳр ал-улум фи ат-тафсир» асари Алоуддин Али Самарқандийга тегишли эканини таъкидлаганлар (Ҳожи Ҳалифа, 2006:225; Хайруддин Зириклий, 1998:32). Тадқиқотчи Д.Махсудов, шунингдек, яманлик муҳаққиқ Солиҳ ибн Яҳё Савоб ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар ҳам масалани агрофлича ўрганиб, айнан шу хулосани илгари сурган.

<sup>3</sup> Мазкур муфассир «Тухфа ал-фуқаҳо» ва «Шарҳ ат-Таъвилот» асарлари муаллифи ҳисобланган Алоуддин Самарқандий (ваф. 539/1144-45 й.)дан бошқа. Бу икки олим яшаган давр қарийб уч асрга фарқ қилади.

<sup>4</sup> Ларанда шаҳри серсув ва боғу бўстонларга бой гўзал шаҳар бўлиб, 1250 йили Анадўлунинг жанубида ташкил топган Қирмон амирилигида жойлашган. Ўша вақтдаги султони Бадриддин ибн Қирмон бўлган. Шаҳар шимолда Анқара, жанубда Ўрта Ер денгизи, шарқда Қайсария ва ғарбда Кўния шаҳарлари билан чегарадош бўлган.

Алоуддин Али Самарқандий тафсирида тафсирнинг бил-маъсур ва бир-раъй услубларига хос шарҳларни келтирган. Манбалар қаторида асосан Замахшарийнинг «ал-Кашшоф», Байзовийнинг «Анвор ат-Танзил» ҳамда Тафтазонийнинг «Ҳошия ала-л-Кашшоф» тафсирларидан фойдаланган. Олим қироат ваҳхларини зикр қилишга ўта киришиб кетган. Ҳатто мутавотир қироатлар қаторида кўплаб нодир қироатларни ҳам зикр қилиб ўтган. Шу билан бирга, Қуръон оятларининг балоғат ва араб тили қоидалари жиҳатидан хусусиятларини ёритишга катта эътибор қаратган. Бу масалага тафсир мукаддимасида ҳам урғу бериб ўтган: «Эътиборли ислом уламолари киши Қуръон сирлари ва дақиқликлари қаърига ҳамда унинг ҳақиқат ва жавҳарларининг сараларига Қуръон учун хос бўлган икки илм: маоний ва баён илмларида моҳир бўлмай туриб шўнғий олмайди, деганлар». Шунингдек, тафсирда фикҳий масалалар ҳам тилга олиниб, аксар ўринларда ҳанафийлик мазҳаби ҳукмлари зикр этилган. Бир неча ўринларда оятларнинг нозил бўлиш сабаблари изоҳланган. Жумладан, Бақара сураси 143-оятни тафсирида оятнинг қибла Масжиди Ҳаромга ўзгартирилганида нозил бўлганини қайд этиб ўтади (Аҳмад Али Солим, Муҳаммад Ато Аҳмад, 2022:82-101). Умуман олганда Алоуддин Али Самарқандийнинг тафсири барча Қуръон илмларини ўзида жамлаган ўз даврида ёзилган бошқа тафсирларга нисбатан тўлиқ асар деб баҳолаш мумкин.

Манбаларда Хожа Муҳаммад Порсонинг йигирмага яқин асарлари мавжудлиги зикр этилган. Улар орасида форс тилида ёзилган «Тафсири Қуръон» («Қуръон тафсири») асари Қуръони каримнинг охириги жузи тафсирига бағишланган бўлиб, асарнинг бир қўлёзма нусхаси № 2180 инвентарь рақам билан ЎзР ШИДа сақланади. Тафсирда Фотиҳа сураси ва охириги жуздан Қадр, Баййина, Залзала, Одият, Қориа, Такосур, Аср ва Ҳумаза суралари тафсири ўрин олган. Хожа Муҳаммад Порсо тасаввуф илми билан ҳам шуғулланган бўлиб, ушбу тафсирда ҳам оятлар тафсирида тасаввуфий шарҳларни учратиш мумкин.

Қомусий олимлардан ҳисобланган Али Қушчи ҳам тафсирга оид Саъдуддин Тафтазонийнинг «Ҳошия ала-л-Кашшоф» асарига хошия ёзган бўлиб, унинг ёзилган санаси аниқ бўлмаса-да, Туркиянинг Боязид давлат кутубхонасида сақланаётган № 3244 нусха



муқаддимасида келган маълумотларга кўра, асар темурий ҳукмдор Абу Саид Мирзо (1451–1469 йй.)га атаб ёзилгани қайд этилган. Шундан келиб чиқиб, асар мазкур ҳукмдор даврида ёзилганини тахмин қилиш мумкин.

Мазкур хошия ҳажми нисбатан кичик бўлиб, Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг дастлабки оятлари шарҳини қамраб олади. Тафсирнинг муқаддима қисмида Қуръоннинг луғат ва истилоҳ жиҳатидан таърифи, унинг собитлиги, каломнинг инсон ва Аллоҳ таолога алоқаси, Қуръон нозил бўлиш моҳияти, муҳкам ва муташобех, Қуръоннинг эъжози, илм ва санъат ўртасидаги фарқ каби мавзулар ёритилган. Фотиҳа сураси тафсирида эса «басмала» лафзининг сура билан боғлиқлиги, Раҳмон ва Раҳим сифатларининг ўзаро алоқаси, ҳамд ва шукр ўртасидаги фарқ, ибодатга ёрдам сўраш, غير [ғойр] сўзининг грамматик ўрни, «омин» лафзига оид масалаларга тўхталиб ўтган. Бақара сураси аввалидаги муқаттаот ҳарфлар ҳақида эса уларнинг исми ёки ҳарф экани масаласи, мазкур ҳарфларнинг суралар учун исми бўлиши каби мавзулар баён этилган (Али ибн Муҳаммад Қушчи, 2021:55-122). Тафсирнинг умумий қамрови араб тили ва балоғат доирасида кўринади. Шунингдек, табақот асарларида Али Қушчи тафсирга оид «Жавоҳир ат-тафсир» номли асар ёзгани, унда Бақара ва Оли Имрон суралари тафсири қаламга олингани зикр этилган (Аҳмад Амир Муҳаммад Жоҳин Исмоил, 2013:4785). Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари бугунга қадар аниқланмаган.

Манбаларда «Рисола фи ал-истиора» («Истиора илмига оид рисола») асари машҳур бўлган Абул Қосим Баёний Самарқандий (IX/XV аср)нинг «Хошия ала тафсир ал-Байзовий» номли тафсир ёзгани зикр этилади. Лекин, тафсирнинг қўлёзма нусхалари мавжуд экани аниқланмаган.

Араб тили грамматикасига оид машҳур «Шарҳи Мулла» асари муаллифи, мутасаввиф ва шоир Абдурахмон Жомий ҳам мустақил тафсир таълиф этган. Асар манбаларда «Тафсир Мулла Жомий», «Тафсир ал-Қуръон ал-азим» номлари билан зикр этилади. Тафсир тўлиқ бўлмай, ўша даврга хос анъанага мувофиқ Фотиҳа сураси ва Бақара сурасининг дастлабки 40-оят тафсирини қамраб олади. Муқаддима қисмида Абдурахмон Жомий тафсир ёзишга ундаган сабаб ҳақида тўхталиб: «Кўнглимга тафсир борасида лафз ва маъно турларига оид жамловчи бир китоб ёзиш истаги тушди. Унда энг дақиқ ва латиф ўринлар

ҳам назардан қочирилмайди. Китоб балоғат соҳибларининг закий сўзлари ва орифларнинг ишораларини қамраб олади» (Абдурахмон Жомий, 2020:12), дейди. Сўнг Фотиҳа сураси ҳақида келган ҳадиси қудсийни келтириб, уни қисқача шарҳлаб ўтади. Жомий Фотиҳа сураси тафсирига киришишдан олдин истиоза ҳақида ҳам алоҳида мавзу очиб, унинг ифода шакли, сўзларининг грамматик вазни ва маънолари ҳақида тўхталади. Тафсирда тил қоидалари, балоғат, ақлий ва нақлий ифодалар, нозик иборалар, кироат ҳамда айрим тасаввуфий ишоралар зикр этилган (Абдурахмон Жомий, 2020:208). Эътиборли жиҳати, Фотиҳа сураси тафсирининг аввали бутунлай Саййид Шариф Журжонийнинг «Хошия ала-л-Кашшоф» асарида келган тафсир билан сўзма-сўз ўхшаш. Тафсирнинг бошқа ўринларида ҳам баъзи жумлаларда бу ҳолат кузатилади. Журжоний ва Тафтазоний ўртасидаги Бақара сураси 5-оятдаги على[аъла] предлогининг табайи истиора<sup>5</sup> экани ҳақидаги Журжоний илгари сурган фикрни қўллаб-қувватлаган (Абдурахмон Жомий, 2020:69). Бундан Абдурахмон Жомий тафсирни ёзишда асосан Журжонийнинг «ал-Кашшоф»га ёзган хошиясида истифода этгани келиб чиқади.

Шунингдек, Туркиядаги Роғиб Пошо кутубхонасида № 1188 инвентарь рақам остида сақланаётган жамланма «Дийбожа тафсир ал-Фотиҳа» («Фотиҳа сураси тафсирининг муқаддимаси») номли рисола билан бошланади. Рисола Абдурахмон Жомийнинг «Тафсир Мулла Жомий» асарида келтирилган Фотиҳа сураси тафсири асосида тасниф этилган бўлиб, 976/1569 йилда Муҳаммад ибн Камолиддин ибн Абул Ҳасан Ансорий томонидан кўчирилган.

Темурийлар даврининг охири чорагида яшаб ижод қилган илм-фан ҳомийси Алишер Навоий ҳам бевосита Қуръон илмларига алоқадор асар битмаган бўлса-да, бир неча асарларида Қуръон карим оятларини изоҳлаб ўтган. Хусусан, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Каҳф сураси 67-оятдаги Мусо (алайҳиссалом) ҳақидаги қиссани зикр этади: «Мусо таажжуб қилиб, сабабин сўрди, Хизр айттиким, **«Мен билан юришга сабринг чидамайди, деб айтмаган эдимми?»** ва «Мусони ҳайрат беихтиёр қилиб, яна ул иш кайфиятидин савол қилди. «Хизр

<sup>5</sup> Балоғат илмида истиора сифатида қўлланаётган сўз туб ёки ясама сўз эканига кўра аслий ва табайи истиорага бўлинади. Агар истиора этилаётган сўз туб сўз бўлса, аслий истиора, ясама сўз бўлса, табайи истиора ҳисобланади.

айттиким, «Сен мен билан бирга бўлишга сабр қила олмассан» тарзида келтиради.

Анбиё сурасининг 87-оятидан Навоий куйидагича иқтибос келтиради: «Ва Юнус қирқ кун балиғ ичинда эрди ва бу тасбеҳни вирд қилиб (келтириб) эрдиким, «Сендан ўзга илоҳ йўқ, сен поксан ва мен албатта золимлардан бўлдим» (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2021:643).

Навоий оятлардан келтирган иқтибосларида «шаънида нозил бўлубдур», «мақсуд мундин бўлғай», «андин мухбир бўлғай» каби туркий иборалар билан оятларнинг нозил бўлиш сабабларига ҳам ишора қилган. Масалан, Саба сураси 12-оят куйидагича иқтибос қилинади: «Ва машхурдиким, сабоҳ Шомдин азимат қилиб, чошни Истахрда ер эрди. Андин азимат қилиб Шом таомин Кобулда ихтиёр қилур эрдиким, «**Ва Сулаймонга шамолни (бердик), унинг эрталаб кетиши бир ойлик, кечкурун қайтиши бир ойлик йўл эди**» (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2021:169) анинг шаънида нозил бўлубдур. Сод сурасининг дунё ҳавасига берилган Сулаймон пайғамбарнинг пушаймони ҳақидаги 34-оятни Навоий: «Тангри таоло анинг ўз ўғлини сойир атфолдин мумтоз қилиб, писандида тушмай Азройилга амр бўлдиким, рухин кабз қилиб, жасадин, Сулаймоннинг тахти устида ташладиларким, Унинг «**курсисига жасадни ташладик**» (Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, 2021:11) мақсуд мундин бўлғай», тарзида далиллади (Sagdullayeva D.K., 2022:18-20).

Хусайн Воиз Кошифий (ваф. 910/1505 й.) тафсирга оид «Мавоҳиби Алийя», «Жавоҳир ат-тафсир», «Тафсири сураи Юсуф» («Юсуф сураси тафсири») ва «Мухтасар ал-жавоҳир» номли асарлар ёзган. Мазкур асарлар орасида нисбатан тўлиқ ва кўп мурожаат этилгани «Мавоҳиби Алийя» тафсири бўлиб, олим ушбу асарини Алишер Навоийнинг таклифига кўра таълиф этган.

Кейинчалик бу ҳудудда тафсир илмида яққол эътибор қозонган асарлар ёзилмаган бўлса-да, тафсирчилик анъаналари бир қадар давом эттирилди. Тафсирга оид Муҳаммад Амин ибн Маҳмуд Бухорий (ваф. тах. 972/1565 й.) «Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий» (Анъом сурасига қадар) ва «Тафсир сура ал-Фатҳ» («Фатҳ сураси тафсири»), Убайдуллоҳхон ибн Амир Маҳмуд (ваф. 976/1568 й.) «ал-Фавоид ал-хокония ал-Убайдия фи-т-тафсир» («Тафсир борасида хокон Убайдий фойдалари»), таниқли

муаррих ва фақиҳ Ҳофиз Кўҳакий (ваф. 980/1572 й.) «Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий», «Тафсир оят ал-Курсий» («Оят ал-Курсий тафсири»), «Рисола фи фан ат-тафсир ва ал-усул ва ал-фуру ва ал-мантик ва ал-калом» («Тафсир, усул, фуру, мантик ва калом илмларига оид рисола»), асли бухоролик, Шомда бир муддат қозилик қилган Бухорийзода Муҳаммад ибн Абдуллатиф (ваф. 985/1578 й.) «Ҳавоший ала тафсир ал-Байзовий» («Тафсир ал-Байзовий ҳошиялари»), Бухоронинг Ширвон маъмурий бирлигидан бўлган ҳанафий фақиҳи Муҳаммад Амин Ширвоний (ваф. 1036/1626 й.) «Ҳошия ала тафсир ал-Байзовий» (Фотиҳа сураси) номли асарлар таълиф этдилар. Бу каби муфассирлар Мовароуннаҳр тафсир мактабининг давомчилари сифатида фаолият олиб бордилар.

## МУҲОКАМА

Темурийлар даврида Қуръон илмларининг муҳим соҳаси ҳисобланган тафсир ёзиш анъанаси билан бирга Қуръон мусхафларининг қўлёзма нусхаларини ёзиш ва кўпайтириш ишлари ҳам кенг ёйилган. Бунда носихлардан расми Мусхаф илмини билиш ҳам шубҳасиз талаб этилган. Мазкур илм Қуръон кироатида хатоликларга йўл қўймаслик учун илк ислом даврида шакллана бошлаган бўлиб, ҳозирга қадар бир неча босқичларни босиб ўтди ва хануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бугунги техника асрида мусхафларнинг замонавий технологиялар асосида чоп этилиши, ҳарфларнинг тажвид қоидаларига ишора қилувчи маълум рангларда ифодаланиши, ёдлашга осон бўлиши учун ҳар бир жузнинг алоҳида муқоваланиши каби ишлар ҳам, албатта, расми Мусхаф илми қоидалари асосида амалга ошириб келинмоқда (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. 2017:307).

Бугунги кун тарихнавис олимлари ва манбашунос мутахассисларининг таъкидлашларича, Темурийлар давридан бошлаб, Марказий Осиёнинг йирик маданий марказларида қўлёзма манбаларни кўчириш, уларга бадиий безаклар бериш тараққий этиб, XIV–XV асрда китоб ишлари китобат санъати даражасига кўтарилди. X аср бошларига қадар хаттотлар мусхаф кўчиришда куфий хатидан фойдаланиб келдилар. Аср ўрталаридан мусхафларни насх хатида кўчириш анъанага айланди. Мазкур хат турида барча ҳаракат ва нукталар мавжуд бўлиб,

бугунги кунга қадар шу хатдан фойдаланиб келинмоқда (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2017:305).

Кўхна Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси саҳнига жойлаштирилган улкан лавҳнинг ясашиш мақсади ҳақида икки хил қараш мавжуд. Биринчи қарашга кўра, ушбу лавҳ ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган Усмон Мусҳафи учун махсус ясалган. Аммо исломшунос олим А.Мўминов тадқиқотлари натижаси иккинчи қарашнинг ҳақиқатга яқин эканини кўрсатмоқда. Унга кўра, мазкур лавҳ Амир Темурнинг буйруғи билан хаттот Умар Ақто томонидан кўчирилган улкан Қуръони карим мусҳафи учун ясалган. Қўлёзма саҳифаси ўлчами 222x155, матн ўлчами эса 177x101 см.ни ташкил этади. Ушбу қўлёзма Қуръоннинг ҳар бир саҳифасида еттита сатр жойланган. Мазкур ишга Амир Темурнинг невараси Бойсунғур Мирзо бошчилик қилгани сабабли ушбу Қуръон Бойсунғур Қуръони номи билан танилган. Бойсунғур Қуръонидан айрим парчалар Эрон, Европа ва АҚШ даги хусусий тўплам ва музейларда сақланади<sup>6</sup>. Метрополитан санъат музейида ушбу қўлёзма нусханинг Қасас сураси 84-оятти ёзилган саҳифаси 18.17.2 инвентарь рақам билан сақланмоқда. Шунингдек, Даниянинг Девид коллекциясида айнан ушбу нусханинг бир саҳифаси 20/1987 инвентарь рақам билан сақланади.

## НАТИЖА

X/XVI аср тарихчиси Қози Аҳмад Қумий «Гулистони хунар» («Хунар гулистони») асарида таъкидлашча, котиб Умар Ақто инсон қафтига сиғадиган даражадаги кичик ҳажмли мусҳафни Амир Темурга ҳадя қилганида, улуғ саркарда: «Аллоҳнинг сўзларини шундай майда сўзлар билан битишга қандай журъат этдинг?!» деб танбех беради. Шундан сўнг, хаттот мазкур улкан мусҳафни ёзишга киришади. Ишни тамомлагач, мусҳафни от аравада Темур хузурига олиб келади. Амир Темур ҳурмат юзасидан сарой аёнлари билан чиқиб, уни кутиб олади (Қози Аҳмад Қумий, 1974:30).

Амир Темурнинг невараси Иброҳим Султон (818/1415–839/1435 йй.) китобат санъати

<sup>6</sup> Қаранг: Бойсунғур Қуръони. Имом Бухорий сабоқлари, 2/2000. – Б. 86–87.

ҳомийси ва моҳир хаттот бўлган. Нью Ёркдаги Метрополитан санъат музейида Иброҳим Султон ўз қўли билан ёзган Қуръони карим мусҳафининг қўлёзма нусхаси<sup>7</sup> сақланади. Мазкур музейда сақланаётган нусха асл нусха бўлиб, Иброҳим Султон томонидан насх хатида кўчирилган. Китоб сўнгида Иброҳим Султоннинг имзоси ва кўчирилган сана қайд этилган. Сана милодий ҳисобда 1427 йил, июнь ойига тўғри келади. Манбаларда Иброҳим Султон шунга ўхшаш бешта Қуръон нусхаларини кўчиргани, шу билан бирга, шахсий хаттотлик ёзувларини тузгани айтилади. У ўз даврида Шерозда иккита хаттотлик мактаблари ҳам ташкил этган (<https://www.metmuseum.org/art/collection/search/446539>). Ҳозирда ҳам Эрон кутубхоналарида Иброҳим Султон томонидан кўчирилган Қуръон мусҳафлари сақланади.

Умуман олганда, Темурийлар даврида Қуръон ва Қуръон илмларига илм-фаннинг ажралмас қисми сифатида қаралган. Буни темурий ҳукмдор Мирзо Улуғбек (814/1411–853/1449 йй.) «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагоний янги астрономик жадвали») асарини унинг мазмунига уйғун бўлган осмон жисмларига оид Фурқон сурасидаги «Осмонда буржлар қилган ва унда чироқ ва нур сочгувчи ой қилган Зот баракотли (буюк) бўлди. У **ибрат олмоқни ирода қилган ва шукр қилмоқни ирода қилган киши учун кеча-кундузни бирин-кетин қилган Зотдир**» (Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, 2021:221) оятлари билан бошлагани ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, Мирзо Улуғбек Наба сураси 13-14-оятлари, Раъд сураси 2-оятти, Соффот сураси 6-оятти, Нозиот ва Тийн сураларида зикр этилган осмонлару ер ва инсоннинг яратилиши ҳақидаги оятларни ўзининг астрономияга оид машҳур асари муқаддимасида келтиради<sup>8</sup>.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Қуръон илмлари тафсир, сабаби нузул, муҳкам ва муташобех, ом ва хос, носих ва мансух, ғариб ал-Қуръон, расми мусҳаф, кироат илмлари каби бир неча илмларни қамраб олган бўлиб, Темурийлар даврида мустақил асарлар асосан

<sup>7</sup> Метрополитан санъат музейи, «Исламик арт» бўлими, инвентарь рақам 13.228.1.

<sup>8</sup> Қаранг: Мирзо Улуғбек. Зижи жадиди Кўрагоний. ЎзРФА ШИ. Қўлёзма № 2214. 2а.



тафсир ва кироат илмлари бўйича ёзилган. Бошқа Куръон илмларига доир мустақил асарлар деярли ёзилмаган бўлса-да, тафсир ёзиш асносида мазкур илмлар ҳам таҳлил этилганини учратиш мумкин.

XIV–XV асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган тафсирларда фикҳий жиҳатдан ҳанафийлик мазҳаби, ақидавий жиҳатдан мотуридийлик таълимоти, тасаввуфда эса нақшбандийлик тариқати устувор экани ўз ифодасини топган. Шунингдек, фақатгина табакот асарларида учратиш мумкин бўлган, аммо бугунга қадар етиб келмаган мовароуннаҳрлик уламоларнинг Куръон илмларига оид асарлари ҳам ҳозирга қадар етиб келган асарлардан аҳамият жиҳатидан кам бўлмаган.

Мовароуннаҳрда ёзилган тафсирлар ҳақида умумий хулоса қилинса, тафсирларда энг кўп сўз юритилган мавзулар тил ва балоғат илмлари доирасида экани намоён бўлади. Бу эса бу ҳудудларда қадимдан тилшунослик, хусусан, араб тили қоидаларининг юқори савияда бўлганига далолат қилади. Бу даврда ёзилган тафсирларнинг деярли барчаси тафсир бир-раъй йўналишида ёзилган тафсирлар ҳисобланади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Зиёдов Ш., Маҳмудов Қ. (2019). Самарқандлик алломалар. Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти.
2. Хайруддин Зириклий. (2002). Ал-Аълум. Байрут: Дор ал-илм лил-малайин.
3. Шамсиддин Муҳаммад Самарқандий. Саное фи расм ал-мусхаф. Файзуллоҳ Афанди кутубхонаси. Қўлёзма № 264.
4. Муҳаммад ибн Жазарий. (2011). Ал-Муқаддима ал-Жазарийя. Мадина: Дор аз-замон.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2019). Самарқандлик сара уламолар. Тошкент: Ҳилол-Нашр.
6. Саъдуддин Тафтазоний // Абдулфаттоҳ Исо Барбарий таҳқиқи. (2010). Хошия ала-л-Кашшоф. Қоҳира.
7. Усмонов И., Саидова Г. (2010). Яъқуб Чархий тафсирининг туркий таржимаси. Тошкент: ЎЗРФА.
8. Усмонов И. (2021). Мовароуннаҳр тасаввуфи ва мотуридия ақидаси. «Мотуридийлик таълимоти ва ҳозирги замон» конференция материаллари. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси матбаа нашриёт бирлашмаси.
9. Аҳмад Амир Муҳаммад Жоҳин Исмоил. (2013). Ал-Муфассирун фи билад Мовароуннаҳр. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрийя.
10. Ҳожи Халифа. (2006). Кашф аз-зунун ан асами ал-кутуб ва ал-фунун. Байрут: Дор ихё турос ал-арабий.
11. Хайруддин Зириклий. (1998). Ал-Аълум. Қомус ат-тарожим. Байрут: Дор ал-илм лил-малайин.
12. Аҳмад Али Солим, Муҳаммад Ато Аҳмад. (2022). Аш-Шайх Али Самарқандий ва манҳажуҳу фи тафсириҳи // Ал-Мажалла ал-илмийя би-куллия ал-адаб. Танто.
13. Али ибн Муҳаммад Қушчи // Муҳаммад Чечак таҳқиқи. (2021). Хошия Али Қушчи ала шарҳ ал-Кашшоф ли ат-Тафтазоний. Истанбул: Нашриёт ал-вақф ад-диёна ат-туркий.
14. Аҳмад Амир Муҳаммад Жоҳин Исмоил. (2013). Ал-Муфассирун фи билад Мовароуннаҳр. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрийя.
15. Абдурахмон Жомий // Абдулатиф Абдурахмон таҳқиқи. (2020). Тафсир Мулла Жомий. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
16. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2021). Тафсири Ҳилол. Тошкент: Ҳилол-Нашр.
17. Sagdullayeva D.K. (2022). Analysis of Qur'an ayats in the works of Alisher Navoi and Nosuriddin Rabguzi. Amsterdam: International Conference on Developments in Education.
18. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. (2017). Куръон илмлари. Тошкент: Ҳилол-Нашр.
19. Бойсунғур Куръони. (2000). Имом Бухорий сабоқлари. Самарқанд.
20. Қози Аҳмад Қумий // Аҳмад Саҳилий Хонсорий таҳқиқи. (1974). Гулистони хунар. Техрон.
21. Метрополитан санъат музейи. «Исламик арт» бўлими, инвентарь рақам 13.228.1.
22. <https://www.metmuseum.org/art/collection/search/446539>
23. Мирзо Улуғбек. Зиж жадиди Қўрагоний. ЎЗРФА ШИ. Қўлёзма № 2214. 2а.

#### REFERENCES

1. Ziyodov Sh., Mahmudov Q. (2019). Samarqandlik allomalar. Samarkand: Publishing House of the Imam Bukhari Research Center.
2. Khayruddin Zirikli. (2002). Al-A'lam. Beirut: Dar al-ilm lil-malayin.
3. Shamsuddin Muhammad Samarqandi. Sanai' fi rasm al-mushaf. Fayzullah Afandi Library. MS 264.
4. Muhammad ibn Jazari. (2011). Al-Muqaddima al-Jazariyya. Madinah: Dar az-zaman.
5. Shayx Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2019). Samarqandlik sara ulamolar. Tashkent: Hilol-Nashr.
6. Sa'duddin Taftazani // ed. Abdulfattah Isa Barbari. (2010). Hashiya ala al-Kashshaf. Cairo.



7. Usmonov I., Saidova G. (2010). *Ya'qub Charkhiy tafsirining turkiy tarjimasi*. Tashkent.
8. Usmonov I. (2021). *Movarounnahr tasavvufi va moturidiya aqidasi. «Moturidiylik ta'limoti va hozirgi zamon» konferensiya materiallari*. Tashkent.
9. Ahmad Amir Muhammad Jahin Ismail. (2013). *Al-Mufassirun fi bilad Mawarannahr*. Cairo: Dar al-kutub al-misriyya.
10. Haji Khalifa. (2006). *Kashf az-zunun an asami al-kutub va al-funun*. Beirut: Dar ihya turath al-arabi.
11. Khayruddin Zirikli. (1998). *Al-A'lam*. Qamus at-tarajim. Beirut: Dar al-ilm lil-malayin.
12. Ahmad Ali Salim, Muhammad Ata Ahmad. (2022). *Ash-Shaykh Ali Samarqandi wa manhajuhu fi tafsirihi // Al-Majalla al-ilmiiyya bi kulliya al-adab*. Tanta.
13. Ali ibn Muhammad Qushchi // ed. Muhammad Chechak. (2021). *Hashiya Ali Qushchi ala sharh al-Kashshaf li at-Taftazani*. Istanbul: Nashriyat al-waqf ad-diyana at-turki.
14. Ahmad Amir Muhammad Jahin Ismail. (2013). *Al-Mufassirun fi bilad Mawarannahr*. Cairo: Dar al-kutub al-misriyya.
15. Abdurahmon Jami // ed. Abdullatif Abdurahman. (2020). *Tafsir Mulla Jami*. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiiyya.
16. Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2021). *Tafsiri Hilol*. Tashkent: Hilol-Nashr.
17. Sagdullayeva D.K. (2022). *Analysis of Qur'an ayats in the works of Alisher Navoi and Nosuriddin Rabguzi*. Amsterdam: International Conference on Developments in Education.
18. Shaykh Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. (2017). *Qur'on ilmlari*. Tashkent: Hilol-Nashr.
19. Boysunghur Qur'oni. (2000). *Imom Bukhoriy saboqlari*. Samarkand.
20. Qadi Ahmad Qumi // ed. Ahmad Sahili Khonsori. (1974). *Gulistoni hunar*. Tehran.
21. Metropolitan art museum. «Islamic art» section, No. 13.228.1.
22. <https://www.metmuseum.org/art/collection/search/446539>
23. Mirzo Ulughbeg. *Ziji jadidi Koragoni*. Tashkent Oriental Studies Institute. MS 2214. 2a.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
«МОТУРИДИЙЛИК» ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари,  
докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyqa - الماتريدية - Матуридизм

2/2024

Бош муҳаррир: **Ж.Каримов**  
Муҳаррир: **З.Фахриддинов**  
Нашр учун масъул: **З.Арслонов**  
Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: **О.Сотволдиев**  
Дизайнер-саҳифаловчи: **З.Ғуломов**

Нашриётнинг лицензия рақами АІ № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишга 16.08.2024 йил рухсат этилди. Бичими 60×84  $\frac{1}{3}$ .  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.  
Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 23/1.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Standard Poligraf Service»  
МЧЖ қўшма корхонаси босмахонасида чоп этилди.  
100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозилтепа кўчаси, 12Б.